

## ЗАРЬДАГИ ХАЁТ: МИС БУЮМЛАРНИНГ СИРИ НИМАДА?

Азиза МАДАЛИЕВА

Наманган вилоят тарихи ва маданияти  
давлат музейи табиат бўлими мудири

Юзлаб йиллар давомида шаклланиб келган миллий қадриятларимиз халқимизнинг қадимий ҳунармандчилик аъналарарида кенг намоён бўлади. Кўҳна Фарғона водийсидаги кулолчилик, ганчкорлик, ёғоч ўймакорлиги каби ҳунармандчилик соҳаларидан бири – мисгарлик бўлиб, мис буюмлар ясовчи номдор усталарни кўпчилик таниган, билган. Айниқса, водийнинг Қўқон, Наманган, Марғилон каби қадимий шаҳарларида бошқа касблар қатори мисгарлик соҳаси ҳам мунтазам тараққий этиб келгани тарихий маълумотлар асосида тасдиқланган.

Метални қайта ишлаш тарихига назар солсак, энг қадимги ва бошқа метал қотишмаларига нисбатан юмшоқ ҳамда бирон буюм яшаш осонроқ бўлган хомашё мис ҳисобланган. Жумладан қадимги юнонлар жанг қуроллари, деҳқонлик асбоблари-ю, уй-рўзғор буюмларини асосан мисдан ишлаганлар. Юнонлар мис рудасини Кипр оролидан қазиб олганлари учун, мисни оролнинг лотинча номи билан “Купрум” деб атаганлар.

Қадимда соф мис совуқ ҳолда қайта ишланиб, буюмлар ясалгани учун мўрт ва тез синувчан бўлган. Кейинчалик, усталар мис ва қалай эритмасини қўшиб, бронза қотишмасини кашф этганлар.

Ўзбекистон худудида энг қадимги мисгарлик соҳасининг маркази Бухоро ва Самарқанд бўлган. Ўша давр усталари мис буюмларга нафис безаклар, майда нақшлар солиб, ўзига хос услублар яратишган. XV асрдан кейин бронзадан буюм яшашга кўпроқ эътибор қаратилган.

XVII асрга келиб Бухоро, Самарқанд, Хива, Тошкент, Наманган, Қўқон каби шаҳарларда аъло сифатли мис ва бронзадан турли идишлар ясалган ва савдо

карвонлари орқали дунёнинг турли минтақаларига тарқалган. Мис буюмлар доимо кўчиб юрувчи чорвадорлар ва савдогарлар учун ҳам фойдаланишга қулай бўлган рўзғор ашёлари ҳисобланган.

Фарғона водийси мисгарлари болғалаб тоблаш, эритилган мисни қолипга қуйиш, сўнгра унга гул солиш усуллари орқали юқори сифатли маҳсулот тайёрлашни ўзлаштирганлар.

XIX аср охири, XX аср бошларигача Фарғона водийсидаги мисгарлар асосан қизил ва сариқ мисдан қозон, товоқ, офтоба, қумғон, баркаш каби уй-рўзғор буюмларини ясаган бўлса, ушбу даврдан бошлаб безакли шамдон, чироқ, турли хайкалчалар сингари санъат асарлари ҳам яратила бошланган. Яъни, хўжалик касби бўлган ҳунармандчилик соҳаларида бадиий ҳунармандчилик мактаблари юзага келган.

Шунингдек, ўрта асрларда ҳукмдорларнинг муҳр-тамғалари қимматбаҳо тошлар, олтин ва мисдан фойдаланиб ясалган. XIX аср ва XX аср биринчи ярмида мисдан от-улов жабдуқлари, мис самовар ҳамда ўтхонали қумғон тайёрлаш кенг тарқалди.

Хива, Бухоро, Самарқанд, Тошкент ва Фарғона водийсида ўзига хос мисгарлик мактаблари шаклланиб, ҳар бир худуднинг қадимги гиламларига ишлангани каби мис буюмларига ҳам солинган нақшларининг ўзига хос маънолари бўлган. Масалан, бир-бирига занжирсимон чирмашиб кетган нақшлар хонадон эгаларининг тотувлиги доимий бўлсин деган маънони англатади. Бир-бирига ўхшаш учбурчак шаклда туширилган нақшлар эса пичоқнинг уч қисмига ўхшаб кетади ва бу шакллар буюм эгасини хасад ёки ёмон кўзлардан асраш маъносига эга бўлган. Шундай маънодор нақшларни отларнинг эгар-жабдуқларига мисдан ишланган ашёларда ҳам кўришимиз мумкин. Турли нақш ва шакллар орасида араб имлосида ёзилган ибораларни ҳам учратамиз. Умуман мисгарлик соҳасида яратилган буюмларда турли даврларга хос ижтимоий ҳаёт, маҳаллий аҳолининг маданий ва бадиий анъаналари, ўша давр давлатчилигининг ғоялари ҳам намоён бўлади.

Наманган вилоят тарихи ва маданияти давлат музейи ҳазинасида сариқ ва қизил мисдан ишланган юзлаб қадимий ашёлар, уй-рўзғор буюмлари, турли хайкалчалар сақланмоқда.

Аждодларимиз мис кўзадан сув ташиш ва сақлашда, қумғондан сув қайнатишда, баркашдан дастурхонга егулик ва ширинликларнинг тартибли қўйилишида, офтобадан юз-қўл ювишда, қозондан таом тайёрлашда фойдаланишган.

Шундай буюмлардан айримлари хақида қисқача маълумот бериб ўтамыз.

Музей ҳазинасида 6162/3 инвентар рақами билан сақланаётган қумғон наманганлик усталар томонидан XIX асрда сариқ мисдан болғалаш ва тоблаш усулида ясалган. Бўйи 44 см, айланаси 54 см бўлган қумғоннинг бўғзи тор, лаби бўртма айлана шакл билан безалган. Ўрта қисми думалоқ. Сиртидан рангсиз металл бўёғи суртилган. Қопқоғи, жўмрағи, дастаси мавжуд. 1980 йил 29 июлда Наманган шаҳрида истиқомат қилувчи Қодирова Онахон томонидан музейга тақдим қилинган қумғон ўша давр мисгарларининг юқори маҳоратини намоён этади.

Шунингдек, 4871 инвентар рақами билан сақланаётган мис челақ тошкентлик усталар томонидан XIX асрда куйма усулда ясалган. Челақнинг қорин қисми бўғзи томон торайиб боради, сўнггра оғиз қисми яна кенгайтириб ишланган. Қопқоғи гумбазсимон. Қопқоқ устига сариқ мисдан доирасимон ушлагич ўрнатилган. Челақни кўтариш учун ишланган банди ёйсимон шаклда. Идишнинг сиртига кесма ва чизма усулда ислимий нақшлар солинган. Кесма нақшлар ўртача чуқурликда кенгрок, чизма нақшлар эса кенг ва саёз ишланган. Сув ташиш ва сақлаш учун фойдаланилган челақ 1973 йил 4 март куни наманганлик Ҳамиджон Паттаев томонидан музейга топширилган.

Ўтган асрларда дунёнинг кўплаб минтақаларида мис буюм ёки идишлар яшаш кенг тарқалган бўлсада, уларнинг аксарияти хумчасимон, қопқоқсиз, жўмраксиз ва бандсиз бўлган. Сиртки қисми силлиқ ва безаксиз ишланган. Баъзан сиртига бир хил айлана чизиқ тортилганлари ҳам учрайди. Ўзбек

мисгарлари ясаган ҳар қандай анжомда эса қопқоқ, унинг ушлагичи, жўмрак (баъзан жўмракнинг ҳам қопқоқчаси бўлади) ва банд қисми безакли тарзда ишланган. Идишнинг сиртига турли услубдаги нақшлар солинган. Идишларнинг қопқоқли бўлиши унинг ичига турли хашаротлар ёки чанг тушиб қолишидан сақлаган. Банди идишни ушлаш, ташиш учун қулайлик туғдирган. Нақш ва безаклари эса эстетик завқ бериб, кайфиятни кўтаради. Бошқа мамлакатлар усталари ясаган мис буюмларда бундай деталлар кам учрайди. Демак, айтиш мумкинки, ўзбек мисгарлари юқори маҳорат эгаси бўлиш билан бирга дид-фаросатли ва санъаткорона иқтидор соҳиби ҳам бўлганлар.

Бундай фарқларни XIX асрда кириб келган самовар яшаш соҳасида ҳам кўриш мумкин. Наманган вилоят тарихи ва маданияти давлат музейида Россиянинг Тула шаҳрида ишланган самоварлардан фарқли равишда ўзбек мисгарлари ясаган самоварларда қопқоқ, ушлагич-бандлар ва нақшлар, ўтхона, дудбурон ҳамда шакли фойдаланишга қулайлиги билан ажралиб туради. Масалан, 9763 инвентар рақами билан сақланаётган самовар XIX асрда Тула заводида кўйма усулда сариқ мисдан ясалган. Сувхонаси цилиндрсимон ишланган, жўмраги узун, қопқоғида 2 та катта ва 2 та кичик тешикчалари бор, икки тарафига ёғоч ушлагич-банд ўрнатилган. Қопқоғида завод муҳри, 10 та медаль тасвири, сувдонининг сиртига эса яна 17 та медалнинг тасвири туширилган. Бу медаллар остида 1896, 1899, 1900, 1903, 1904, 1907 йиллар ҳамда рус, немис ва форс тилларида ёзувлар битилган.

XIX асрда кўқонлик усталар томонидан қизил мисдан болғалаш усулида ясалган самоварнинг эса ўрта қисмига думалоқ шакл берилган. Ўтхонадан чиқарилган тутун ўтказгич, қопқоқ ва сирт қисмига кесма услубда ислимий нақшлар ишланган. Самоварнинг оғиз қисми лабида ва атрофига араб ҳарфларида ёзувлар битилган. Икки тарафи ва қопқоғига иккитадан ушлагич-бандлар ўрнатилган. Самоварнинг сувдони думалоқ шаклида бўлиши сувнинг тезроқ қайнашига ёрдам беради. Қопқоғида тешиклар очилмагани иссиқ ҳароратнинг бир қисми ташқарига чиқиб, сув қайнашининг секинлашуви олдини

олади. Яъни, бу самовар тежамкор ва қулайроқдир. №306 инвентар рақами билан сақланаётган ушбу самовар 1948 йилда маҳаллий аҳоли томонидан (исми-шарифи сақланмаган) музейга тақдим этилган.

Бугунги даврда мисдан асосан саноатда кўпроқ фойдаланилади. Уй-рўзғор ашёларимиз орасида мис буюмлар деярли учрамайди. Хонадонларда онда-сонда мисдан ясалган эсдалик совғалари ёки чирой учун қўйилган мис шамдонларни кўриб қоламиз. Лекин қадимий анъана ва қадриятларимиз қайта тикланаётган мустақил мамлакатимизда кўҳна ва бой миллий хунармандчилигимизнинг мисгарлик соҳаси ҳам янги даврга қадам қўйди. Бугун мисгарларимиз томонидан яратилаётган санъат асарлари ёки санъат асарига тенглаштирилган мис буюмлар дунёдаги энг нуфузли кўрғазмаларда юқори баҳолар олмоқда.

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 6-том
2. Музей экспонатлари ва илмий паспортларидан.
3. Интернет материалларидан.